

## **МАЙДАЛОВЧИ БАРАБАНГА ӽРНАТИЛГАН ПИЧОҚ КҮНДАЛАНГ КЕСИМИ ШАКЛИНИНГ ӽҒИТНИНГ МАЙДАЛАНИШИГА ТАЪСИРИ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10104944>

**Оринбаева Сайёра Махсетбаевна**

*Қарақалпоқстан қишилоқ ҳўжалиги ва агротехнологиялар институти, Нукус,  
Ўзбекистон*

### **Аннотация**

Уибу мақолада қотган минерал ўғитларни майдалаши учун майдалагичга ӽрнатилган пичоқнинг күндаланг кесими шаклиниң иш кўрсаткичи бўйича экспериментал тадқиқотлар натижалари келтирилган.

### **ВЛИЯНИЕ ФОРМЫ СЕЧЕНИЯ НОЖА, УСТАНОВЛЕННОГО НА ДРОБИЛЬНОМ БАРАБАНЕ, НА ИЗМЕЛЬЧЕНИЕ УДОБРЕНИЙ**

Orinbaeva Sayyora Makhsetbaevna

*Каракалпакский институт сельского хозяйства и агротехнологий, Нукус,  
Узбекистан*

### **Аннотация**

В данной статье приведены результаты экспериментальных исследований показателя работы и влияния формы поперечного сечения ножа, установленного на дробильном барабане для измельчения твердых минеральных удобрений.

### **THE EFFECT OF THE SHAPE OF THE CROSS-SECTION OF THE KNIFE MOUNTED ON THE CRUSHING DRUM ON THE GRINDING OF FERTILIZER**

Orinbayeva Sayyora Maxsetbayevna

*Karakalpak Institute of Agriculture and Agrotechnology, Nukus, Uzbekistan*

### **Abstarct**

*This article presents the results of experimental studies of the performance indicator and the influence of the shape of the cross-section of the knife installed on the crushing drum for grinding solid mineral fertilizers.*

## **Калит сұзлар**

майдаловчи барабан, үгіт фракциялари, майдаловчи пичоқтар, бункер, сарфланган қувват, пичоқнинг күндаланг кесими, барабаннинг диаметри, айланышлар сони.

## **Ключевые слова**

измельчающий барабан, фракции удобрений, измельчающие ножи, бункер, потребляемая мощность, сечение ножей, диаметр барабана, количество оборотов.

## **Keywords**

*chopping drum, fertilizer fractions, chopping knives, hopper, power consumption, cross-section of knives, drum diameter, number of revolutions.*

## **Кириш.**

Жағонда қотган минерал үғитларни майдалайдиган ресурстежамкор янги технологиялар ва техника воситаларини ишлаб чиқиш, мавжудларини ресурстежамкорлик йұналишида такомиллаштиришга доир илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу йұналишда қотган минерал үғит майдалагич конструкциясини ишлаб чиқиш, унинг иш органларининг үғит билан үзаро таъсиралиш жараёнларида агротехник күрсаткичлар талаблар даражасида бўлишини таъминлайдиган параметрларини асослаш бўйича мақсадли илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш долзарб масалалардан хисобланади [1,2,3].

## **Мақсад.**

Қотган минерал үғитларни майдалаш учун ишлаб чиқилган майдалагичнинг майдаловчи барабанига үрнатилған пичоқ күндаланг кесими шаклини қотган минерал үғитларни кам энергия сарфлаб талаб даражасида майдалашини таъминлаш мақсадида пичоқ күндаланг кесимининг шаклини танлаб олиш учун экспериментал тадқиқотлар олиб борилди.

## **Материаллар, услублар.**

Майдаловчи барабанга үрнатилған пичоқ күндаланг кесими шаклининг үғитнинг майдаланиш даражаси ҳамда курилмани айлантиришга талаб қилинадиган қувватта таъсирини үрганиш бўйича [4] ва [5] меъёрий ҳужжатлар асосида бир омилли тажрибалар ўтказилди.

Тажрибаларни ўтказища майдаловчи барабанга үрнатилған майдаловчи пичоқ шаклини танлаш мақсадида күндаланг кесимининг шакли думалоқ, олти қирра, тўрт бурчак ва ясси шаклдаги пичоқлардан

фойдаланилди. Бир параметр ўзгаририлганда бошқа параметрлар ўзгатирилмасдан қолдирилди.

Қурилма томонидан майдаланган ўғит фракцияларининг миқдори ўғит майдалаб бўлингандан кейин тешикларининг диаметри 5 ва 1 mm бўлган маҳсус элаклар ёрдамида ўрганилди. Ҳар бир элакда қолган ва охирги элақдан ўтган ўғит ва ўғит бўлакларининг массаси ЛИБОР “EL-600” тарозида тортилиб, ўлчами 5 mm дан катта, 1-5 mm оралиғидаги ҳамда 1 mm дан кичик фракциялар миқдори фоизда аниқланди [4].

Қурилмани айлантиришга сарфланган қувватни аниқлаш учун лаборатория шароитида HYTAIS TS-201 русумли ўлчов воситасидан фойдаланилди. Бу ўлчов комплекти кучланиши 600 В гача бўлган, бир текис ва нотекис зўриқишлиар юзага келадиган бир фазали ва уч фазали уч симли ёки уч фазали тўрт симли ўзгарувчан ток занжиридаги қувватни аниқлашга мўлжалланган [6].

### **Илмий ишнинг натижаси.**

Майдаловчи барабаннинг асосий вазифаси майдалагичнинг меъёрлагичидан майдалаш камерасига келиб тушган қотган минерал ўғит бўлакларини электродвигателдан узатилган ҳаракат ёрдамида унга ўрнатилган майдаловчи пичоқлар ўғит бўлакларини майдалашдан иборат.

Майдаловчи барабанга ўрнатилган пичоқ кўндаланг кесими шаклиниңг ўғитнинг майдаланишига таъсирини тадқиқ этишда ҳам асосий қўрсаткич сифатида ўлчами 1-5 mm оралиғида бўлган фракцияларининг миқдори  $M_y$  ҳамда 1 mm дан кичик ўғит фракцияларининг миқдори  $M_k$  қабул қилинди.

Тажрибаларда майдаловчи пичоқлар сифатида кўндаланг кесими думалоқ, олти қирра, тўртбурчак ва яssi шаклдаги пичоқлар бир-бирига солиширилди. Бунда майдаловчи барабаннинг диаметри 100 mm, айланишлар сони 980 r/min, пичоқларнинг сони 12 дона, барабандан чиқиб турган қисмининг баландлиги 110 mm этиб қабул қилиниб, бункерга 50 кг миқдорида қотган минерал ўғит юкланиб, майдалагич ишга туширилди [7].

Тажрибаларда олинган натижалар жадвалда келтирилган.

жадвал

### **Майдаловчи пичоқ шаклиниңг ўғитнинг майдаланишига таъсири**

№	Кўрсаткичнинг номи	Кўрсаткичларнинг қиймати			
		Майдаловчи пичоқ шакли			
		думалоқ	олти қирра	тўрт- бурчак	яssi

1	Ўлчами 1-5 mm оралигидаги ўғит қияларининг микдори $M_y$ , %	94,3	94,1	93,2	92,7
2	Ўлчами 1 mm дан кичик ўғит қияларининг микдори $M_x$ , %	5,7	5,9	6,8	7,3
3	Майдаловчи барабанни айлантиришга фланган қувват $P$ , kW	0,98	1,06	1,27	0,81

Олинган натижалардан кўриниб турибдики, майдаловчи пичоқ сифатида кўндаланг кесими думалоқ шаклдаги пичоқ ўрнатилган майдаловчи барабан билан жиҳозланган лаборатория қурилмасининг иш жараёнида ўлчами 1-5 mm оралигидаги фракциялар микдори 94,3 фоизни, ўлчами 1 mm дан кичик фракциялар микдори эса 5,7 фоизни, айлантиришга сарифланган қувват 0,98 kW ни ташкил этди.

Майдаловчи пичоқ сифатида кўндаланг кесими олти қирра шаклдаги пичоқ ўрнатилганда майдаловчи барабан билан жиҳозланган лаборатория қурилмасининг иш жараёнида ўлчами 1-5 mm оралигидаги фракциялар микдори 94,1 фоизни, ўлчами 1 mm дан кичик фракциялар микдори эса 5,9 фоизни, айлантиришга сарифланган қувват 1,06 kW ни ташкил этди.

Майдаловчи пичоқ сифатида кўндаланг кесими тўрт бурчак шаклдаги пичоқ ўрнатилганда майдаловчи барабан билан жиҳозланган лаборатория қурилмасининг иш жараёнида ўлчами 1-5 mm оралигидаги фракциялар микдори 93,2 фоизни, ўлчами 1 mm дан кичик фракциялар микдори эса 6,8 фоизни, айлантиришга сарифланган қувват 1,27 kW ни ташкил этди.

Майдаловчи пичоқ сифатида яssi шаклдаги пичоқ ўрнатилган майдаловчи барабан билан жиҳозланган лаборатория қурилмасининг иш жараёнида ўлчами 1-5 mm оралигидаги фракциялар микдори 92,7 фоизни, ўлчами 1 mm дан кичик фракциялар микдори эса 7,3 фоизни, айлантиришга сарифланган қувват 0,81 kW ни ташкил этди.

### **Хулоса:**

Хулоса қилиб айтганда, ўтказилган экспериментал тадқиқотлардан олинган натижалар бўйича майдаловчи барабанга кўндаланг кесими думалоқ шаклдаги пичоқ ўрнатилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки бунда ўғитнинг кам энергия сарфлаган ҳолда талаб даражасидаги майдаланиши таъминланади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Оринбаева С.М. Қотган минерал ўғит майдалагичнинг майдаловчи барабани айланишлар сонини назарий асослаш //Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities. – 2023. – Т. 11. – №. 6. – С. 1677-1681.
2. Оринбаева С.М. Қотиб қолган минерал ўғитларнинг асосий физик-механик хоссаларини ўрганиш натижалари// Арал бойы экологиялық шәраятта интенцив агротехнологияларды раўажландырыў келешеги: Тез. докл. Республикалық илимий-эмелий конф. – Нөкис, 2022. – Б. 256-258.
3. Оринбаева С.М., Юлдошева М.Д., Қотиб қолган минерал ўғитларни майдаловчи қурилма// Арал бойы экологиялық шәраятта интенцив агротехнологияларды раўажландырыў келешеги: Тез. докл. Республикалық илимий-эмелий конф. – Нөкис, 2022. – Б. 254-256.
4. ГОСТ 21560.1-82 Удобрения минеральные метод определения гранулометрического состава – Москва, 1983. – 17 с.
5. ГОСТ 28714-2007 Машины для внесения твердых минеральных удобрений – Москва, 2008. – 44 с.
6. O'z DSt 3193:2017 Қишлоқ хўжалиги техникасини синаш. Машиналарни энергетик баҳолаш усули – Тошкент, 2017. – 14 б.
7. Tukhtakuziev Abdusalim, Ibragimov Abdirasuli Abdikarimovich, Khamidov Nurmukhammad Muxtarovich, & Eshdavlatov Akmal Eshpulatovich. (2022). The Results of Experimental Studies on the Determination of the Optimal Values of the Parameters of Levels Mounted on Vegetable Seeding Machine. Eurasian Journal of Engineering and Technology, 5, 17-22.